

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ДАРСЛАРИНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



Усмонов Зоҳид Норматович
спорт фаолияти турлари кафедраси мудири, PhD
Маматов Улугбек
спорт фаолияти турлари кафедраси катта ўқитувчи
Фарғона давлат университети

Аннотация Ушбу маколада дарсда ўқувчилар фаолиятиниташиллаш асосан жисмоний маданият фани ўқувчиси, синфнинг жисмоний маданият фаоллари томонидан амалга оширилишини, машғулотларнинг бошқа шаклларида эса спорт педагоги, жамоатчи йўриқчилар томонидан бошқарилиши, ташкилланиши, жой алмашиниши йўлга қўйилиши амалда қўпроқ учраши оид маълумотлар баён қилинган.

Калит сўз: Спорт педагоги, жамоатчи йўриқчи, аспект, инновация, соғлом турмуш тарзи

Ҳозирги кунга келиб жамият аъзосининг жисмоний баркамоллиги, маънавий етуклигининг пойдевори умумий ўрта давлат жисмоний тарбия таълими жараёнида амалга оширилади. Таълим жараёнининг машғулотларини асосий шакли мактаб жисмоний тарбия дарси бўлиб, уни мазмуни, тузилиши, уни ташкиллаш, ўтказиш, дарсда фойдаланадиган воситалари, ўқитувчи томонидан қўлланиладиган услубиёт аспектлари муаммоси назарий, илмий услубий жихатдан бойиши, сохага оид инновациялари тизимга солишини тақозо этади. Қолаверса, ҳозиргача жисмоний маданият дарси назариясининг мамалакатимиз жисмоний тарбия тизимида мукаммал ўрганиш учун уринишлар қилинмаганлигини татқиқотларимиз давомида гувоҳи бўлиб турибиз.

Жисмоний маданият дарси ўқув машғулотлари тарзида ўзининг шаклланган мазмуни, тузилиши восита, услубиётларига эга. Лекин, уларнинг мазмуни, тузилишидаги инновациялар, машғулот воситаларини ўқувчи организмига таъсири, машғулотларни ташкиллаш, ўтказишдаги ноанъянавий усуллар, жисмоний маданият дарси шакллари ва уларнинг хилларини классификациясининг турли туманлиги, ғамда унинг назарий асосларидаги илмий назарий янгиликларни амалиётга татбиқ этишни тизимга солиш, дарс назарияси асосларига янгича, қайта қараш (аспектлари) орқалигина илмий асослашни тақозо этмоқда.

Жисмоний маданият дарси назариясининг мазмунидаги ўқувчи ва ўқитувчиларнинг фаолиятини уюштириш ва бошқаруви назарияси касбий тайёргарлик ва касбий маҳоратини ошириш жараёнининг асоси эканлигига ишонч хосил қилдик.

В.Г.подольский ўтган асрни 70 йиллардаги ўтказилган тадқиқотлари орқали “...машғулотларни, айниқса дарсларни доимий равишда бир хил стандартлар асосида ташкиллаш, уюштириши шаблонга айланиши самарадорликка салбий таъсир кўрсатишини аниқлади. Бу ўқувчилар (шуғулланувчилар)да дарсга нисбатан бефарқлик ва маъсулятсизлик, қизиқишини пасайишига, умуман йўқолишига олиб келди” деб хулоса чиқаради.

Фаргона шахар 4-13-25 ва Фаргона туманининг 3-4-55 умумтаълим мактаблари назорат ва экспериментал мактабларидаги тажрибаларимиз машғулотларнинг дарс шаклини характерли хусусиятларидан - жисмоний маданият ўқитувчиси томонидан дарсни уюштириш, ўқувчиларни дарсда бир жойдан бошқа жойга, бир спорт жихозидан, бошқа спорт жихозига ўтказиш ёки маўқ бажариладиган жойларни алмаштириш ва дарсда бажарилиши лозим бўлган ишни тартибини йўлга қўйиш(белгилаш) хусусиятларини муҳимлигига амалда ишонч хосил қилдик.

Аслида маҳсус адабиёт материаллари дарсда ўқувчилар фаолиятини ташкиллаш асосан жисмоний маданият фани ўқувчиси, синфнинг жисмоний маданият фаоллари томонидан амалга оширилишини, машғулотларнинг бошқа шаклларида эса спорт педагоги, жамоатчи йўриқчилар томонидан бошқарилиши, ташкилланиши, жой алмашиниши йўлга қўйилиши амалда қўпроқ учраши баён қилинган.

Хозирги кун жисмоний маданият дарсларида эса бу жараён қатъяян белгиланган, олдиндан аниқ қилиб кўрсатиласа вақт ичидан, маҳсус ажратилган жойда, нисбатан доимий таркибли олдиндан танлаб тузилган (синф ўқувчилари жисмоний тайёргарлиги, ривожланганлиги қўрсаткичларига қараб) ўқув гурухларига ажратилиб таълим қонуниятларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилаётганлигини кузатдик.

Назорат ва экспериментал мактабаларидаги биз кузатган 50дан (икки йил давомида) ортиқ ўрта мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг жисмоний маданият дарсларини 63% да дарснинг ташкилий дақиқасини ташкиллаш шакли айтарли даражада бир хил эканлиги, структураси таркибидаги анъанавий сафлашдан ўқувчи дарсга тайёргарлигини аниқлагунгача бажариладиган элементлардан шу кунги дарсларнинг 90% да ўқитувчилар бир хил фойдаланади; ўқувчи сонини (давоматни)аниқлаш учун вақт сафлашдан 40% ўқитувчи ҳозир ҳам

фойдаланади; распорт қабул қилиш, саломлашиш, ўқувчиларни дарсга тайёргарлигини аниқлашдан айтарли 95% ўқитувчи фойдаланади ва дарсни темаси ёки вазифасини мақсадли ва ўқувчи тушинадиган қилиб эълон қилишдан ўқитувчиларнинг 30% ни доимий фойдаланишини гувоҳи бўлдик.

Дарс вазифаси ёки мавзусидан келиб чиқиб бериладиган назарий маълумотларни бериш мақсадида ёздириш билан дарс бошлайдиган бошқачасига айтганда дарсда назарий билимларни беришга уриниш қилган ўқитувчилар ёки жисмоний маданият дарсларида назарий билимларни пухтароқ, акцент бериб бажартирадиганлар 3% дан ортмади. Назарий билимларни ёздириш урфлиқдан чиқсан. Кузатган дарсларимизнинг 28% да эса ташкилий дақиқаларни уюштириш бир хил шаблонда, айримларида эса ташкилий дақиқаларни уюштириш бир хил шаблонда, айримларида эса ташкилий дақиқа (4.5% холатга) умуман ўтказилмаслигини кузатдик. Қолган 6% холатда ўқитувчи синфнинг жисмоний маданият фаолларига дарсни уюштириш ишонади.

Анкета саволларига дарс назарияси бўйича ўқитувчиларимизга берилган саволларимизнинг жавоби ҳам биз кутган натижани бермади. 40нафардан ортиқ жисмоний маданият ўқитувчиларимизнинг 70% дан ортиғи жисмоний тарбия дастурининг назарий маълумотлари бўлимидағи ўқув материали ўқувчиларида қизиқиш уйғотмаслигини, дастур мавзуларни янгиланиш зарур деган фикр билдирилар; 19% сўровда иштирок этган ўқитувчиларгина назарий билимларини алоҳида баҳолаш услубиётидан фойдаланиши; 7,3% эса назарий билимларини ошириш мақсадида рефератларёздиришини; 4,3% ўқитувчи назарий билимларини дафтарга қайд қилиш учун дарсдан махсус вақт ажратишни; 30% ортиғи жисмоний маданият дарси дастур материалиниғамалий харакат малакалари ва кўникмаларни шакллантиришни, назарий билимларни фақат дастур материалидагиларнигина ўқитиш лозим деган фикрни билдирилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб мактаб жисмоний маданият дарси соғлом турмуш тарзи жисмоний маданиятнинг назарий билимларини беришдек хусусиятларига эътиборни кучайтиришни тақазо этишни таъкидлашимиз жоиз.

Таълим муассасаларида ўқитувчи томонидан “ўқув ишлари дарсни ташкиллаш”ни ҳил хусусиятларининг: а) бошқарув; б) ўқувчиларни жойлаштириш; в) улар билан белгиланган ишни бажариш тартибини йўлга қўйилиши билан боғлиқ назарий билимилар етарли даражада берилмаётганлигини гувоҳ қилдик.

Қайд қилинган хусусиятларнинг етакчиларидан бири жисмоний маданият дарсида мутахассисни шуғулланувчиларни бошқаришни йўлга қўйиши билан

боғлиқ хусусиятларига оид назарий билимларидир. Биз тадқиқот олиб борган назорат гурухига киравчи мактабларимизда ўқитувчи томонидан дарсида ўқувчиларни бошқарувнинг асосий усуллари: буйруқлардан фойдаланиш 60-68 % атрофида, кўрсатмалар беришдан фойдаланиш 12-15% атрофида, саноқдан 8 - 10 атрофида, 6-9% атрофида овозли сигналларни қўллаш билан ўқувчилар фаолиятини ташкиллашдан амалда фодаланилаётганлигини кузатдик. Кузатувларимиз ҳаракат фаолиятларининг бошқаруви буйруқлар орқали йўлга қўйилишини, уларнинг қисқалиги, аниқлиги, ижроси учун эса белгиланган мажбурий талабларни қўйиши билан фарқланишини аниқладик.

Хулоса қилиб шуни таъкидлашимиз лозимки, дарсни ташкиллаш, бошқариш, ўқувчиларни жой алмашинишини йўлга қўйиш жисмоний маданият дарсларининг сифати ва самарадорлигига таъсир кўрсатувчи ахамиятга молик назарий хусусиятлари сирасига киради. Бошқарувнинг сифати, ташкиллаш жараёнининг мазмуни ва воситалари, техник анжомларга боғлиқлиги ҳам эътиборга олинса соҳа мутахассисидан дарс жараёнининг мазмуни ва мохиятига боғлиқ белгиланган касбий назарий билимларга эга бўлишни тақозо этади.

Фойдаланилган Адабиётлар

1. Саломов Р.С., Керимов Ф.А., «Жисмоний тарбиядан педагогик технологиялар», ўқув қўлланмаси Тошкент-2008й. 4-саҳифа.
2. Ш.Хонкељдиев, А.Абдуллаев ва бошқалар. Соғлом турмуш тарзининг жисмоний маданияти ўқув қўлланмаси. «Фарғона» нашриёти, 2010.
3. Ш.Хонкељдиев, А.Абдуллаев ва бошқалар. Касб-хунар коллежлари ўқувчи ёшларининг соғлом турмуш тарзи жисмоний маданияти ўқув қўлланмаси. «Фарғона» нашриёти, 2010.
4. Керимов Ф.А. Спорт соҳасидаги илмий- тадқиқотлар. Т.. «Зарқалам».2004
5. Абдуллаев А., Расулов Р., Хасанов А. Умумий ўрта ва касб-хунар таълими тизимларида жисмоний тарбиядан синфдан ташқари ишлар. Фарғона.2009 й.
- 6.Фофуров, Абдувоҳид Махмудович, and Абдушокир Махмудович Фофуров. "ФИЗКУЛЬТУРНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ НА ПУТИ К УСОВЕРШЕНСТВОВАНИИ." INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE" INNOVATIVE TRENDS IN SCIENCE, PRACTICE AND EDUCATION". Vol. 3. No. 1. 2024.
- 7.Mukhammedovich, Jurayev Vokhidjon. "Psychological Foundations of Willpower in the Formation of Competition Motivation in Athletes." Central asian journal of literature, philosophy and culture 3.11 (2022): 315-318.

8.Jurayev, Vohidjon. "SPORTCHINING FAOLIYAT SAMARADORLIGIDA DA'VOGARLIK DARAJASI AHAMIYATINI EMPIRIK NATIJALARI TAHLILI." Science and innovation in the education system 2.7 (2023): 106-112.

9.Makhmudovich, Gofurov Abduvokhid, and Gofurov Abdushokir Makhmudovich. "STUDY OF FUNCTIONAL INDICATORS OF YOUNG SWIMMERS." INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 12.10 (2023): 29-31.

10.Makhmudovich, Gafurov Abdushokir. "Medical problems of sports selection and sports orientation." ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603 11.12 (2022): 313-318.

11.Abduvalievich, Abdullaev Rustamjon. "NECESSARY FORMATION OF COMPLEX COMPETENCE SAFETY OF TOURIST SERVICES DURING THE DEVELOPMENT OF A STRUCTURAL-FUNCTIONAL MODEL." Science and Innovation 2.2 (2023): 261-264.

12.Abdullabdullaev, R. "BASES OF SCIENTIFIC AND TECHNOLOGICAL SUPPORT OF THE PROCESS OF FORMATION OF SPECIAL TOURIST KNOWLEDGE, ABILITIES AND SKILLS." Science and innovation 2.B3 (2023): 122-123.

13.Жураев, Вохиджон Мухаммадович. "СПОРЧИЛАРНИНГ ДАЪВОГАРЛИК ДАРАЖАСИ ВА ИРОДАВИЙ СИФАТЛАРИНИНГ ПСИХОЛГИК ХУСУСИЯТЛАРИ." Academic research in educational sciences 4.TMA Conference (2023): 894-900.

14.Abdullayev, Rustam. "The Process Of Quality Education-As A Mechanical Combination Of Teaching And Learning Processes." Procedia of Social Sciences and Humanities 4 (2022): 57-59.

15.Abdullayev, Rustam. "INDICATORS OF CRITERIA FOR EVALUATING THE EFFECTIVENESS OF FORENSIC SUPPORT FOR THE INSPECTION OF THE SCENE." ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В СОВРЕМЕННОЙ НАУКЕ. 2022.

16.Араббоев, К. Т., and Е. Я. Михайлова. "ОБОСНОВАНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОБУЧЕНИЯ СТУДЕНТОВ ФАКУЛЬТЕТА ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ ПОСРЕДСТВОМ ТЕХНОЛОГИЙ ИНТЕГРИРОВАННОГО МОДУЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ." Namangan davlat universiteti Ilmiy axborotnomasi 7 (2023): 753-757.945825205

17.Mukhammedovich, Juraev Vohidjon. "Psychological Features of Competitive

Motivation of Athletes." Central asian journal of literature, philosophy and culture 3.11 (2022): 312-314.

18.Tokhirzhonovich, Arabboev Kakhramon. "The effect of physical activity on the body of schoolchildren in physical education lessons." Galaxy International Interdisciplinary Research Journal 11.12 (2023): 112-115.

19.Tohirjonovich, Arabboyev Qahramon. "THE ROLE OF PHYSICAL CULTURE AND SPORTS IN STUDENT ACTIVITY AND LIFESTYLE." INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 12.09 (2023): 58-63.

20.Jurayev, Vohidjon. "SPORTCHINING FAOLIYAT SAMARADORLIGIDA DA'VOGARLIK DARAJASI AHAMIYATINI EMPIRIK NATIJALARI TAHLILI." Science and innovation in the education system 2.7 (2023): 106-112.

21.Араббоев, Қ. Т. "Жисмоний тарбия дарсларида талабалар ўқув-спорт фаолигини оширишда шахсга йўналтирилган таълим турларининг ўрни." Фан-спортга Учредители: Узбекский государственный университет физической культуры и спорта 6: 68-71.

22.Abdumalikovich, Umarov Abdusamat. "Analysis Of The Paradigm Of The Principles Of Overcoming The Problems Of Productivity Of Researchers Conducting Research In The Field Of Physical Culture." Journal of Positive School Psychology (2023): 529-534.

23.Abdumalikovich, Umarov Abdusamat. "Biomechanics Of Running Step Technique." INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.11 (2022): 87-91.